



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 21 май, № 100 (4510)

Чоршанба

## «Баркамол авлод»:

# РАҲМАТ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН, КЎРИШГҮНЧА, СУРХОНДАРЁ!



Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида қад ростлаётган мухташам спорт иншоотлари борки, ўзбекистонликман, деган кишига чексиз фахру ифтихор бахш этади. Энг муҳими, бундай иншоотлар маҳаллаларда, юртимизнинг чекка-чекка кишлоқларида ҳам қурилиб, фойдаланишга топшириляпти. Буларнинг замирида миллат саломатлигини мустаҳкамлаш фалсафаси мужассам.



Шухраммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Шунинг учун бўлса керак, спорт ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётди. Бу ҳақиқатга Қорақалпоғистонда ёшлик, гўзаллик ва спорт руҳи ҳукмронлик қилган «Баркамол авлод — 2008» мусобақаларининг гувоҳи бўлиб, яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Асосийси, навбатдаги мусобақа ҳам Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларининг самарадорлигини яна бир бор намоиш этди. Мазкур узлуқсиз спорт ўйинлари нафақат кизгин беллашувлар асосида ўтгани, балки Ватанимиз ёшларини дўстлик ва ҳамжihatлик руҳида тарбиялаётгани билан ҳам янада аҳамиятлидир. Иштирокчилар замонавий шарҳ-соллик аъёнлари уйғунлашиб кетган Нукус ва Тахиятош шаҳарлари, Кегайли ва Хўжайли туманларидаги сўлим гўшалар, обидаларни зиёрат қилиб, гўзаллик ва улғурликни қадрлаш, асраб-авайлашни кўнглига жо этдилар.

Давлатимиз раҳбарининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табриги Нукусдаги стадион ва ўйингоҳларда ўз маҳоратини намоиш қилаётган йилги-кизларнинг қалбиде чексиз ғурур уйғотди. «Биз маррани доимо банд олиб яшаймиз» —

бу сўзни ҳар бир қатнашчидан эшитиш мумкин. Ўйинлар давом этган кунларда финал мусобақаларида қатнашган ёшлар ота-оналарининг, тенгдошларининг, бутун юртимизнинг эътиборини ҳис қилиб туришди.

Дарҳақиқат, Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлодди она юртига муҳаббат, киндик қони томган тупроққа садоқат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган мазкур тизимнинг нуфузи йилдан-йилга юксалаётди. Бир сўз билан айтганда, эндиликда иштирокчи ёшларнинг кизиқиши кундан-кунга ортиб бораётган ушбу спорт ўйинларининг ахирги механизми яратилди. Ёшларни қамраб олиш даражаси ҳам кенгаймоқда. Иштирокчилар орасида қизлар сони ортаётганлиги ҳам қувонарлиқдир.

17-20 май кунлари бўлиб ўтган «Баркамол авлод — 2008» мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган икки минг нафарга яқин ёшлар спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро беллашдилар. Низомга мувофиқ, мусобақалар халқаро Олимпиада талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилди.

Эпчил, қақрон ва кучли спортчилар ўз маҳоратини намоиш этиб, 165 олтин, кумуш ва бронза медаллар шода си учун бахш олиб борди.

«Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан мунтазам ёриштирилди. Интернет тармоғида очилган www.barkamol.cc.uz сайтида кизгин беллашувлар ҳақида маълумотлар, фотолар ва видеолар, рус, инглиз, немис тилларида бериб борилди. Мусобақа кунлари хорижий мамлакатларда яшовчи минглаб кишилар интернетнинг ана шу сайтига мурожаат қилган бўлса, ажабмас.

... 20 май. Соат 19.30. «Турон» стадиони байрамона безатилган. Чорлов мусикаси янгради. Спорт ўйинларининг энг ҳаяжонли дақиқалари бошланди. Майдонга «Баркамол авлод — 2008» ўйинларининг олтин, кумуш ва бронза медаллари совриндорлари чиқиб келди.

Биринчи мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг «Баркамол авлод — 2008» иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ва «Дамас» автомашинаси «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари голиби — Қорақалпоғистон Республикаси ёшларига берилди. Иккинчи мукофот — «Дамас» автомашинаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри вакилларига топширилди. Учинчи мукофот — «Дамас» автомашинаси умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган Фарғона вилояти вакилларига насиб этди. Турли номинациялар бўйича голибларга ҳам қимматбахо совғалар берилди.

Шундан сўнг тўрт кун давомида порлаб турган «Баркамол авлод — 2008» машаласи аста сўндирилди.

«Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари байроғини навбатдаги мусобон — Сурхондарё вилояти ёш спортчилари қабул қилиб олишди. Тадбир юртимизнинг таниқли санъаткорлари чиқишлари билан ниҳоясига етди.

Шу шодмон дамларда «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари иштирокчилари мамлакатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамоллигида ўтказилган бу мусобақаларга мезбонлик қилган қорақалпоғистонликларга раҳматлар айтиб, «Сурхондарёда қуришгунча» деган эзгу ниёт билан хайрлашадилар.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М. Ернийёзов иштирок этди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,  
янгиликлар,  
хабарлар

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Фарзандлар камоли — юртим жамоли» номли адабий-музикаий тадбир ўтказилди.

## Ворислар келажагига гамхўрлик

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этишди. Мамлакатимизда ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қомил инсон бўлиб воғая етишлари йўлида беқийс ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу байрам тадбири ҳам уларнинг ижодий истеъдодини сайқаллаштириш ва кенг тарғиб этишга қаратилган. Бу борадаги хайри ишларнинг барчаси юртимизда миллат келажаги — навқирон авлодга чексиз гамхўрликлар кўрсатилаётганидан далолат беради.

Шодиёна давомида Республика болалар ижодиёти маркази қошида таълим олаётган ёш мусавирларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Дилмурод СОДИҚОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Бу йил Жиззах вилоятида умумтаълим мактабларининг 9-синфини 25705 нафар ўқувчи битирмоқда. Уларни касбий таълимга йўналтириш мақсадида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида касб таълими фестиваллари ўтказилаётди.

## Аниқ мақсад йўлида

Ана шундай тадбирлардан бири Жиззах Транспорт ва алоқа касб-хунар коллежиде бўлиб ўтди. Унда таълим соҳаси мутахассислари, маҳалла фаоллари, ота-оналар ва битирувчи ёшлар иштирок этди.

Фестиваль муносабати билан коллеждаги мавжуд йўналишлар бўйича кўргазма ташкил қилинди. Бундан ташқари, коллеж ўқувчилари иштирокида таълим маскани ҳаётига оид саҳна кўриниши намоиш этилди. Ўқув даргоҳида яратилган замонавий шарт-шароитлар, энг сўнгги русумдаги ўқув жиҳозлари билан яқиндан танишув фестивал иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ғайратжон ҚОРАБЕКОВ.

Кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

## Тарихингдир минг асрлар...

Унда мамлакатимиз олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган илгор талабалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олим ва шоирлар иштирок этди. Тадбир қатнашчилари тарихчи олимларнинг пойтахтимизнинг ўзига хос тарихи, осорлиқлари, табарруқ қадимқолари ва дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган олим музазотлари ҳақидаги маърузаларини тингладилар.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Учқудуқ туманидаги «Учқудуқ сифат» кичик корхонаси ташкил этилганига уч йилдан ошди. Корхона «Ипотекабанк»дан беш миллион сўм кредит олиб, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганди.

## Арзон ва сифатли

Дастлабки йилда уч хил макарон маҳсулотлари тайёрланди. Бугунга келиб, маҳсулот тури етти хилга етказилди. «Учқудуқ сифат» раҳбарияти ички бозорда ўз маҳсулотларига талаб ошиб бораётганини сабабли, корхона қувватини ошириш мақсадида, яна қўшимча беш хил турдаги макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Демак, иш ўринлари ҳам ўз-ўзидан кўпаяди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм вилояти ҳокимлигида ҳокимлик ҳузуридаги воғая етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

## Ниҳол меҳр истар

Тадбирда ёшларни билимли, жисмонан соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, таълим-тарбия муассасалари иш самарадорлигини янада ошириш масалалари муҳокама этилди. Бу борада мавжуд камчиликларни тугатиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди. Вилоятда 2008-2009 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган соғая ҳажми дастур ижроси таъминланаётгани таъкидлаб ўтилди.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКISTON ДЕМOKPATИK TAPAҚИЁT ЙЎЛИДАН СОБИТҚАДАМЛИK БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбир, шунингдек, «Келажакка сармоя» номли китоб-альбомининг тақдими бўлиб ўтди.

Унда Буюк Британиянинг расмий, ишбилармон, жамоат ва тахлийий доиралари вакиллари, халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатия ваколатхоналари ходимлари иштирок этди. Брифинг чоғида қатнашчилар эътиборига яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов томонидан имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган

лар. Улар дастурга киритилган тадбирлар қўламини кенг эканлигига ҳамда пухта ишлаб чиқилганига эътибор қаратдилар.

Мазкур Фармон Инсон ҳуқуқлари кунини муносабати

### Дунё нигоҳи

билан БМТ Бош котибининг мактубини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий тизимни янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Тадбир қатнашчилари-

нинг фикрига кўра, ушбу муҳим ҳужжат республиканинг демократик тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан одимлаётганининг яна бир тасдиғидир. Бундан ташқари, у Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги умумэтироф этилган тасмийиллар ва мейёрларга содиқлигини, шунингдек, мазкур йўналишда халқаро ҳамжамият билан фаол ҳамкорлик олиб боришга тайёр эканлигини намоиш қилади.

Анжуманда таъкидланишича, Ўзбекистон ўз халқининг тарихи ва аъёнлари, миллий менталитетини ҳисобга олган ҳолда, ривожланган демократик

давлатларнинг илгор тажрибаларини диққат билан ўрганмоқда ва уларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиб келапти.

«Келажакка сармоя» китобининг тақдими довомида иштирокчиларга Ўзбекистонда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг бажарилиши ҳамда унинг ижобий натижалари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, унда мамлакатимизнинг мазкур соҳада эришаётган залварли ютуқларини кўрсатиб берувчи аниқ далил ва рақамлар келтирилди.

«Жаҳон» АА,  
Лондон шаҳри

## МАҲСУЛОТЛАР БИРЖАДА СОТИЛМОҚДА


Бир рақам шарҳи



2008 йилнинг биринчи чорағида Ўзбекистон Республикаси Товар-хон ашё биржасида маҳсулот сотиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

1,5 баравар ортди.

Бу ерда товарлар бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлашга хизмат қиладиган моддий ресурсларни сотиш бўйича тегишли механизмларни жорий этиш туфайли шундай ижобий натижага эришилди.



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида йиғилиш бўлиб ўтди.

## БЮДЖЕТ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Мазкур қўмита раиси А. Аҳадов бошқарган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йилги ҳамда 2008 йилнинг биринчи чорағидаги ижросига доир масала муҳокама қилинди. Молия вазирининг ўшбу масала юзасидан маърузаси тингланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2007 йилда амалга оширилган ислохотлар туфайли миллий иқтисодиётимизда қўри суъатларда ўсишга эришилди. Эркинлаштириш жараёнларининг жаддалашуви ҳамда модернизациялаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида инфляция даражаси кескин

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг Эллиққалъа туманидаги тадбирлари ёшларнинг фаол иштирокида ўтди. Нигоҳлари чақнаб турган ёшлар Ватанининг бугуни, эртаси ва истиқболдан дарак беради...

“Ёшлар йили” да алоҳида маъно касб этади. Биргина Қорақалпоғистонда давлат ва маҳаллий миқёсдаги 237 та тарихий ёдгорлик рўйхатга олинган. Эллиққалъа тумани эса чин маънодаги моддий ва маънавий мерослар юрти ҳисобланади.

қўлаб тарихий обидалар ўтмишидан кўргазмали ҳикояси тадбир иштирокчиларида унутилмас таассурот қолдирди. Учрашувлар, танишувлар тумандаги “Ёш ижодкорлар боғи” да, Аёққалъада, Амир Темур номидаги Ботаника боғида, коллеж ва лицейларда, Эллиққалъа ўлка тарих-археология музейида, ўрта мактабларда давом этди.

БЮДЖЕТ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

пасаиди ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги ошди. Янги ички маҳсулот ҳажми 9,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,1 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,1 фоизга, пулли хизматлар кўрсатиш 20,6 фоизга, экспорт ҳажми 40,7 фоизга ўсди. Бюджет-солиқ сўбсати ҳўжалик юритувчи сўбсекторларга солиқ юкни камайтириш билан бир пайтда бюджетнинг даромади ва харajat кўрсаткичи мувоzanатини таъминлади.

ЁШЛАР НИГОҲИ — ВАТАН КЎЗГУСИ

Ун икки-ун уч ёшли фарзандларимизнинг хорийқ тилларни ўз она тилидек эгаллаши ва ардоқлаши ҳам муваққиллик шарофати, мамлакатимизда ёшлар тарбиясининг, уларга таълим-тарбия беришининг тўғри йўлга қўйилганлиги белгиси.

ган концерт дастури ҳаммага бирдек ёқди. Мумтоз ўзбек ва қорақалпоқ куй-кўшиқлари дейсизми, италян тилидаги операдан ария дейсизми, араб, рус ва бошқа чиқишлар ижрочиларининг барчаси маҳаллий йигит-қизлар, уларнинг ақсарияти Отажон Худойшукуров номидида Санъат ва педагогика коллежи мураббийлари, талабалари.

Парламент ҳаёти

вият — енгилмас куч” китоби, унинг ёшлар тарбияси ва тақдирини беҳад катта аҳамият касб этиши ҳусусида алоҳида тўхтади. Қўмита раиси уринбосари И. Сайфазоров ёшлар маънавийатининг шаклланишида тарихий ёдгорликларнинг ўрни ҳақида батафсил фикр юритди.

IV асрлардаёқ шоҳлар қароргоҳи бўлган Тупроққалъа, шунингдек, Аёққалъа, Каватқалъа, Қирққизқалъа, Кўроғошқалъа ва бошқа тарихий ёдгорликлар мавжуд. Бироқ, гап бошқа ёқда, яъни, эллиққалъалик, қорақалпоғистонлик, қолаверса, мамлакатимиз ёшлари ушбу тумандаги бетақорр обидаларнинг моҳияти, ҳалқимиз тарихи, маданиятидаги ўрни ва аҳамиятидан етарли даражада хабардорими?

Давр бугунги ёшлар олдида мана шундай саволни кўндаланг қўймоқда, улардан жавоб кутмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимидан таниқли тарихчи олим Файратдин Хўжаниёзовнинг туман ҳудудида ястаниб ётган

— Тадбирни пича ўзгачарок бошласак-чи? — деди туман ҳокими Н. Худойбергенов. — Дастлаб ёшларга навбат берсак... Тақлиф маъқул бўлди. Ахир Қонунчилик палатасининг йиллик режасига Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан киритилган тадбирдан қўзланган мақсад ҳам эллиққалъалик ёшлар билан танишиш, уларнинг кайфияти, интилишлари, орзулари билан ўртоқлашиш. Деярли бир соат давом эт-

Ҳамкорлик

Пешку туманидаги 11-мактаб «Мактаб таълимини ривожлантириш» лойиҳасига мувофиқ, Жаҳон банки билан ҳамкорлик қилаётган билим масканлари қаторидан ўрин олди.

Мазкур мактаб бошланғич синфлари учун 7451 АҚШ доллари миқдоринда ўқув-методик қўлланмалар ва ресурслар ажратиш кўзда тутилган. Вилоят бўйича бундай лойиҳага киритилган умумтаълим мактаблари сони 94 та бўлиб, улар Пешку, Ромитан ва Фиждун туманларидан танлаб олинди.

— Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 2 январдаги «Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида «Мактаб таълимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ижросини таъминлаш мақсадида шу йўналишда бир қатор ишлар бажарилмоқда, — дейди вилоят ҳалқ таълими бошқармаси методисти Г. Каримова. — Асосий мақсад марказдан узок, чекка ҳудудларда жойлашган умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида таълим-тарбия бериш жараёнини такомиллаштиришдир. Бу иш бешта устувор йўналиш орқали олиб борилмоқда.

Бошланғич синфларни ўқув-методик қўлланмалар ва ресурслар билан таъминлашнинг биринчи йўналишига қўра, мактабларга 59 турдаги жиҳоз ажратилди. Улар орасида кўргазмали ўқув қуроллари, «Иил фаоллари» тўплами, ёзувчи ва шоирлар портретлари ҳамда бошқа зарур материаллар бор. Бундан ташқари, лойиҳада таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг малакасини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ошириш тизимини такомиллаштириш, умумтаълим мактабларининг Васийлик кенгашлирини қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар ҳам ўрин олган.

И. МУХОМИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

“Қаршиёғэстракция” очик акциядорлик жамияти қўша корхонасида ўтган йили 68 минг 628 тонна чигит қайта ишланиб, 12 минг 645 тонна юқори сифатли ёғ ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткичга корхонада техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ишлари жадал олиб борилиб, ишлаб чиқаришга замонавий ускуналарни қўллаш орқали эришилди.

ундан-да оширишга аҳд қилган жамият аъзолари технологияни янгилаш жараёнини асло сўсайтирганлари йўқ. Натияжада яқин

электролиз цехи учун 1 миллион 600 минг АҚШ доллари қийматидаги янги жиҳозлар харид қилиш режалаштириляпти. Бу ускуналар ишга туширилгач, экспортлоб маҳсулотлар тури ва ҳажми тобора ортиб, майонез ҳамда маргарин шу ернинг ўзига тайёрлана бошланади. Энг муҳими, 80 та қўлимча иш ўрни очилди.

Интилиш

да бир ва беш килограммлик пластмасса идишларга ёғ қадоқлаш йўлга қўйилди. Айни кунларда Украинадан 340 минг АҚШ долларилик қовуриш, иккита жувозлаш ва 20 та янгилик ускунаси келтирилди арафасида. Россиялик ҳамкорлардан эса

СУРАТДА: қадоқловчи Алижон Чўпнов иш устида.

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Шу йил 21-24 май кунлари Тошкентда «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашнинг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Абў Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳамкорлигида ўтказилаётган бу нуфузли тадбирда жаҳоннинг 10 дан ортиқ мамлакатидан, жумладан, Хитой, Франция, Германия, Италия, Польша, Словения, Россия ва Украинадан келган таниқли олимлар ҳамда мутахассислар ўз илмий маърузалари билан иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Шу муносабат билан муҳбиримиз мазкур халқаро анжуман ташкилотчиларидан бири — Тошкент давлат техника университети профессори, техника фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иxtирочи Патхулла ИСМАТУЛЛАЕВ билан сўхбатлашди.

ИНТЕГРАЦИЯ

уч соҳа — фан, таълим ва ишлаб чиқаришда нафақат тараққиётга, балки сифатга эришиш гаровидир

— Патхулла ака, аввало, айтинг-чи, республикамизда ташкил этилаётган ушбу халқаро анжуман кун тартибига қандай масалалар киритилган?

— Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу нуфузли тадбир муҳим илмий-амалий ва таълим-тарбия йўналишларини қамраб олганлиги билан юксак аҳамиятга эгадир. «Олий таълим тизимида фаннинг роли. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш алоқаси. Кадрларни тайёрлаш». «Ишлаб чиқариш бўйича инновация технологияларни амалиётга жорий этиш муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари ва истиқбол. Ушбу йўналишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш». «Нефть ва газ саноатида юқори илмий технологияларни қўллаш». «Минерал хом ашё базасини кенгайтириш муаммолари. Экология ва сейсмология соҳасида барқарор ривожланишга эришиш. Тоғ-кон саноатида замонавий технологияларнинг афзаллиги». «Ёқилги-энергетика соҳаси ва унинг

ресурсларида тежадорликни таъминлаш». «Машинасозлик ва агро-саноат комплексининг долзарб муаммолари». «Ахборот-компьютер технологиялари ва шу асосда саноатни автоматлаштириш, электрон асбобсозлик, радиотехника ва микроэлектроника. Стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш муаммолари» шулар сирасига кириди. Шу билан бирга, анжуман доирасида муайян йўналишлар бўйича ёш олимларнинг «Энг яхши маъруза» танлови ўтказилиши, ўйлашмики, соҳа тараққиётининг янада ривожланишига хизмат қилади.

— Бу яхши. Лекин шу ўринда табиий савол туғулади: маҳсулот сифатига баҳо беришнинг бугунги мезонлари нималардан иборат?

— Биласизми, бозор иқтисодиёти шaroитида рақобат қўлайган бир пайтда нафақат ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, балки тайёр маҳсулот сифатини яхшилаш бирламчи вазифага айланади. Нега дейганда, сифат корхоналаримизда

Арафа

ровонлиги юксалишининг муҳим гаровидир. Маълумки, Европа сифат ташкилоти, Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот — ISO томонидан XXI аср — «Сифат асри» деб қабул қилинган. Дарҳақиқат, ҳозирда сифат том маънода жамиятда меҳнатнинг юқори самарадорлиги, миллий бойлик манбаи, энг муҳими, иқтисодий ва ижтимоий инкироздан чиқиб ҳамда ривожланишнинг асосий омилга айланади. Гап шундаки, борди-ю, сиз жаҳон бозорига чиқишга ҳаракат қилмасангиз, унинг ўзи сизни қидириб қолмайди. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шaroити эса дунёда юз этакчи фирмалар билан юзма-юз учрашишни, улар билан кескин ра-

қобатлашувни тақозо этмоқда. Оқибатда ишлаб чиқаришда сифат бошқаруви тизимини йўлга қўйиш ва амалиётга таътиб этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Холисона айтганда, илгари бизнинг корхоналаримиз, асосан, маҳсулотнинг ўзини сертифицилаштириш етарли, деб ҳисоблар эди. Эндилкида эса истеъмолчининг психологияси ўзгарган. Яъни, ишлаб чиқарувчидан ўзинга зарур сифатли маҳсулотни хар доим сотиб олиш-

фақиятли фаолияти учун қафолатдир. Чунки у ҳўжалик юритувчи сўбсекторларда, улар қандай мулк шаклида фаолият кўрсатаётганликларидан қатъи назар, иш самарадорлигини оширади, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириши таъминлайди. Шунини ҳисобга олиб, кейинги йилларда республикамиз ҳўкумати томонидан «ИСО-9001» сериясидаги халқаро стандартларга асосланган менежмент тизимини жорий қилиш ва маҳсулот сифатини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июндаги «Корхоналарда халқаро стандартларга мос келадиган сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш чоралари тўғрисида»-ги, 2006 йил 29 августдаги «Корхоналарда халқаро стандартларга мос равишда сифат бошқаруви тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорлари ҳамда 2007 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикасида халқаро стандартларга мос бўлган менежмент тизимини таътиб этиш ва ривожлантириш дастури» муҳим дастури амал бўлмоқда.

Интеграция борасида биргаллик олиб борилаётган ишларнинг яна бир йўналиши — бу дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш. Бундай ҳамкорлик кафедралар фаолият кўрсатаётган профессор-ўқувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда ҳам қў-

«Урганч ўт ўриш машиналари заводи» очик акциядорлик жамияти қишлоқ ҳўжалиги экинларини ўриб-йиғиб оладиган машина ва агрегатлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада плуг, чизель, культиватор тайёрлаш йўлга қўйилгач, иш самарадорлиги янада ошди.

— Утган йили 2 миллиард 208 миллион сўмлик қишлоқ ҳўжалик техника воситалари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқардик, — дейди жамият бошқаруви раиси Отабий Отажонов. — Махсулотларимизнинг 70 фоиздан ортиги «Ўзқишлоқҳўжалик» компаниясини орқали республикамиздаги машина-трактор парklarига, фермер ва деҳқон ҳўжаликларига етакзиб берилди. Шулар сирасига 400 дан зиёд культиватор, юзлаб чизель, ўт ўриш агрегатлари ҳам кириди. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалик техника воситалари учун 63,6 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланди.

Корхона хом ашёни «Ўзметкомбинат» акциядорлик бирлашмаси ва бошқа турдош корхоналардан олади. Махсулотларга нарх ишлаб чиқариш харажатларидан келиб чиқиб белгиланади. Ички бозор талабларига қўра, рақобатбардosh ва сифатли маҳсулотларни лизинг асосида сотиб олишнинг тақлиф қилинаётгани буюртмалар сони ошишини таъминламоқда.

«Халқ сўзи» муҳбири Икром ЎТБОСАРОВ сўхбатлашди.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎЗА муҳбири.

МАКТАБГА — ЖАҲОН БАНКИ ГРАНТИ

Сурхондарё томонларда

Хайрли ташаббус

Деновдаги «Сурхонозиковақтаноат» ҳиссадорлик жамиятида мавсумий ишга жалб этилган 2 минг нафарга яқин киши зигир ва масхар ўсимликлари уруғи билан таъминланди.

Шу биргина тадбирдан келадиган манфаатни айтинг: 2-3 минг гектар майдонда зироат унади. Ундан деҳқоннинг даромади ошади. Буюртмачи — ҳиссадорлик корхонасининг тегиримонига барака ёғилади. Корхона мутахассислари бу йил 1000 тоннага яқин зигир ва масхар мойи ишлаб чиқаришни режалаштиряптилар.

Мелиорация — тупроқ дармондориси

Шербод туманидаги 33705 гектар сугориладиган ернинг анча қисми шўрланган.

Шунча майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида «Шербод» давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Замонавий техника воситалари билан таъминланган бу корхона жамоаси шу кунларда мавжуд зовурлар ва ёпиқ дренажларни таъмирлаш ҳамда тозалаш ишларини жадал олиб бормоқда.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Кўргонтепа туманидаги «Оқ сув» фермер ҳўжалигида ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотлари тури яна биттага қўлайди.

«Оқсув»нинг янги маҳсулоти

Қишлоқ мулкдори Алижон Аҳмедов яқинда сутни қайта ишлаш цехига илғор технологиялар ўрнатгани туфайли крем пишлоғи ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Хуштаъми, витаминларга бой бу маҳсулот, айниқса, мактабгача ёшдаги болакайларга, мактаб ва касб-ҳўнар коллежлари ўқувчиларига манзур бўляпти.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 20 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиляди: %

Table with 2 columns: Currency and Rate. Includes Australia dollar, English pound, Swiss franc, etc.

% Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маҳсулот ва хизматларни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Жиноятчи ҳибсда



Ироқнинг Мосуд шаҳрида "Ал-Қоида" террорчилик гуруҳининг мамлакатдаги етакчиси Абдул Холиқ ал-Сабавий ҳибсга олинди.

"Си-эн-эн" телеканали хабарига кўра, у Ироқ хавфсизлик кучлари томонидан ўтказилган махсус тадбирда қўлга олинган. Абдул Холиқ ал-Сабавий айни пайтда ҳарбийлар томонидан сўроқ қилинаёти.

Вайроналар остида 179 соат

Хитойнинг Сичуан музофотида яна ер қирқилари мумкинлиги ҳақида тарқатилган хабар аҳолини анча саросимага солди.



"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига келтирилишича, кеча ўн мингдан зиёд фуқаро ваҳимага тушиб, ўз яшаш жойларини тарк этган. Қўтарувчилар ҳамон вай-

роналар тағида қолган кишиларни қидирмоқда. Кунги кеча ер остидан 31 яшар фуқаро кўтариб олинди. У вайроналар тағида 179 соат давомида қолиб кетган.

Автобус ҳалокати



Мексикада кучли йўл ҳаракати ҳодисаси рўй берди. "Франс пресс" хабарига келтирилишича, Мехико-Тампико йўналиши бўйича кетаётган автобус 200 метр балангликдан паства кулаб тушган. Фожиа оқибатида 24 нафар йўловчи ҳалок бўлди. Маълумотларга кўра, 20 нафардан ортиқ киши жароҳатланган. Ҳозирда полиция ҳалокат сабабларини ўрганоқда.

Қоғоздаги беморлар

Аниқланишича, Буюк Британияда мамлакат иқтисодиёти касаллик варақаси ҳисобига йилга 16 миллиард фунт-стерлинг микдорида зарар кўрар экан.



"Daily Mail" интернет-нашри ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, касаллик варақаси тақдим этган одамларнинг учдан икки қисми аслида ишга лаёқатли кишилардир. Ишчи-ҳо-

димларнинг аксарияти бел ва оёқ оғриги билан касаллик варақасини олиб, ишга боришмас экан. Айни пайтда ҳукумат ушбу тизимни ислоҳ қилиш ҳақида бош қотирмоқда.

Кема парвози яқин



Жорий йилнинг 31 май кунини "Дискавери" фазовий кемаси Халқаро космик станция (ХКС)га парвоз этади. "NASA" сайтыда айтилишича, шаттл фазода 14 кун тадқиқот ишларини олиб боради. Шу вақт оралиғида астронав-

лар уч марта очик самога чиқишади. Бундан ташқари, япониялик олимлар томонидан ишлаб чиқарилган "Кибо" қурилмаси ҳам станцияга олиб чиқилади.

Аъзолар сони кўпайиши мумкин

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар шу кунларда ташкилотга янги аъзоларни қабул қилиш масаласини кўриб чиқишмоқда. "Интерфакс" хабарига айтилишича, ШХТга Ҳиндистон,

Покистон, Мўғулистон, Эрон ва Афғонистон давлатлари аъзо бўлиб кириш истагини билдиришган. Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда ШХТга Россия, Қирғизистон, Хитой, Қозғистон, Тожикистон ва Ўзбекистон аъзодир.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида "Бино, иншоотлар ва меъморий обидаларнинг техник ҳолатини баҳолаш" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Россия, Қозғистон, Германия ва Украинадан олимлар, соҳа мутахассислари иштирок этди.



мустақкам қурилиши, бино конструкциялари зилзилага бардошли этиб тузилиши лозим. Тарихий обидаларни сақлашда ҳам ана шу жиҳатлар алоҳида эътиборга олинади. Бу йўналишда юртимизда ҳам, хорижда ҳам муайян тажриба тўпланган. Мазкур анжуман соҳадаги янгиликларни кенг тарғиб этиш, ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Илмий-амалий анжуманда биноларнинг техник ҳолатини аниқлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, уларни тадқиқ этиш, конструкцияларни кучайтириш усуллари, қўчмас кул сифатида баҳолаш, шунингдек, миллий меъморчилигимиз тараққиёти, мутахассислар тай-

Аждодларимиз яратиб қолдирган бой меросни авайлаб-асраш, келгуси авлодларга етказиш борасида кенг камровли ишлар амалга оширилоқда. Ўтган йиллар мобайнида кўплаб замонавий иншоотлар, маъмурий ва турархोज бинолари қад рост-лади. Тарихий обидалар ва замонавий иншоотларни асл ҳолича сақлаш, таъмирлаш, уларга экологик ўзгаришларнинг таъсири-ни ўрганиш, бу борада тажриба алмашиш бугунги кундаги дол-

Анжуман

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

2008 йил 23 июнь кунини соат 11.00 да Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг савдо залидан объект бошлангич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 82-уйда жойлашган, «Парвинабанк» ХЕАТБга тегишли:

- а) «Каптив» русумли автомашина, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 АФ 771, техник соз. Бошлангич баҳоси — 43 617 200 сўм.
б) «Каптив» русумли автомашина, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 АИ 605, техник соз. Бошлангич баҳоси — 43 418 700 сўм.
в) «Ласетти» русумли автомашина, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 АИ 497, техник соз. Бошлангич баҳоси — 22 808 200 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдоси 2008 йил 9 июль ва 25 июль кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг х.р. 20208000404460401001, МФО 00317, СТИР 206074208 АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд вилояти минтақавий филиалига объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи микдоридagi закалат пулларини тўлашлари лозим. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Манзиллими: Самарқанд ш., М. Улугбек к., 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 3-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

«TOSHKENT SHAHAR YER RESURLARI VA DAVLAT KADASTRI BOSHQARMASINING KO'CHMAS MULK OB'EKTLARIGA ASHYQIYVYI HUQUQLARINI VA ULAR YUZASIDAN BITISHUVLARINI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH IDORASI» davlat muassasasi

«TOSHKENT SHAHAR YER TUZISH VA KO'CHMAS MULK KADASTRI XIZMATI» davlat unitar korxonasiga kushliishi munosabati bilan kreditorlarining davvo va etyirozlarini ikki oy muddat ichida kuyidagi manzilga kabul qilinaidi: Toshkent shahri, Navoiy kuchasi, 2-«A» uy. Tel.: 239-35-05.

«TOSHKENT SHAHAR YER TUZISH VA KO'CHMAS MULK KADASTRI XIZMATI» davlat unitar korxonasi tashkiliy hukukiy shakli va nomlanishi

«TOSHKENT SHAHAR YER TUZISH, RO'YXATIDAN O'TKAZISH VA KO'CHMAS MULK KADASTRI XIZMATI» davlat muassasasiga uzgartirilgan munosabati bilan kreditorlarining davvo va etyirozlarini ikki oy muddat ichida kuyidagi manzilga kabul qilinaidi: Toshkent shahri, Navoiy kuchasi, 2-«A» uy. Tel.: 239-35-05.

Республика Кўчмас мулк биржаси Сурхондарё вилояти филиали

нархлари ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига куйидаги мулклар қўйилмоқда:

- I. Вилоят хўжалик судининг 2006 йил 3 апрелдаги 19-0603-1060-сонли ва 2005 йил 29 майдаги 19-0501-1207-сонли буйруғига ҳамда 2006 йил 20 июндаги 19-0604-1576-сонли, 2006 йил 28 июлдаги 19-0603-2136-сонли, 2007 йил 15 январдаги 19-0604-7272-сонли, 2005 йил 26 декабрдаги 19-0502-6365-сонли, 2006 йил 28 июлдаги 19-0609-03-2080-сонли, 2005 йил 18 апрелдаги 19-0509-845-сонли, 2005 йил 26 августдаги 19-0501-2457-сонли, 2007 йил 26 мартдаги 19-0709-341-сонли, 2006 йил 1 мартдаги 19-0602-58-сонли, 2005 йил 16 сентябрдаги 19-0509-3083-сонли, 2007 йил 6 апрелдаги 19-0602-58-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Термиз шаҳри, Бобойўжаев кўчаси, 3-уйда жойлашган, «Термиз нон» МЧЖга қарашли, 3 қаватли ишлаб чиқариш биноси. Бошлангич баҳоси — 101 798 938 сўм.
II. Вилоят хўжалик судининг 2007 йил 14 сентябрдаги 19-0709-5632-сонли ижро ҳужжатига асосан, Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Термиз шаҳри, М. Қошғарий кўчаси, 36-уйда жойлашган, «Орзу-165 қурилиш» МЧЖга қарашли маъмурий бино. Бошлангич баҳоси — 105 282 086 сўм.
III. Вилоят хўжалик судининг 2007 йил 7 декабрдаги 19-0702-8064-сонли ижро ҳужжатига асосан, Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Термиз шаҳри, А. Дехотий кўчаси, 1-уйда жойлашган, «Термизсаноатқурилиш» МЧЖга қарашли қуйидаги мулклар:
1. 1991 йилда қурилган, умумий фойдаланиш майдони 1586,25 кв.м.дан иборат омборхона ва қоровулхона биноси. Бошлангич баҳоси — 195 602 235 сўм.
2. 1991 йилда қурилган, умумий фойдаланиш майдони 1049,90 кв.м.дан иборат омборхона, умумий ер майдони 12,5 кв.м. бўлган 2 та хона, умумий ер майдони 24,40 кв.м.дан иборат 3 та дахлиз, умумий ер майдони 15,7 кв.м.дан иборат 4 та дахлиз, умумий ер майдони 5,20 кв.м.дан иборат 5 та хона, умумий ер майдони 14,6 кв.м.дан иборат 6 та хона, умумий ер майдони 25,4 кв.м.дан иборат 7 та хона, умумий ер майдони 4,2 кв.м.дан иборат 8 та хона, умумий ер майдони 113,4 кв.м.дан иборат 9 та омборхона, умумий ер майдони 106,1 кв.м.дан иборат 10 та омборхона, умумий ер майдони 57,3 кв.м.дан иборат 11 та омборхона, умумий ер майдони 48,8 кв.м.дан иборат 12 та омборхона, умумий ер майдони 5,9 кв.м.дан иборат 13 та қоровулхона. Бошлангич баҳоси — 184 746 408 сўм.
3. 1991 йилда қурилган, 5 хонадан иборат пайвандлаш хонаси. Бошлангич баҳоси — 86 512 363 сўм.
Аукцион савдоси 2008 йил 24 июнь кунини соат 11.00 да Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Ҳужаев кўчаси, «Тадбиркорлар маркази» биносида ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: «Даврбанк» Термиз шаҳар минибўлими, ҳисоб рақами 20210000700571452053, МФО 00981, ИНН 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун телефон: (8-376) 227-25-49. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 № 000004.

SONATA Uz йўлингни танла! Drive your way. КАФОЛАТ — 2 йил. МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. EURO2008 HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

Корхоналар раҳбарлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги мутахассислари диққатига! ТАШКИЛОТ куйидаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги маҳсулотларини таклиф этади: меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муҳандислари учун ҳужжатлар тўплами; меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, фуқаролар ҳимояси ҳамда фавқулодда вазиятлар мавзусидаги плакатлар, китоблар ва рисоалар; шошилинч биринчи ёрдам кўрсатиш машғулотларида фойдаланиладиган манекен-тренажёрлар; видеофильмлар. Телефонлар: 233-53-00, 327-17-52, 263-17-52. Факс: 239-14-80, 233-16-16. E-mail: albert.bt@mail.ru

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Хоразм вилояти филиали куйидаги кўчмас мулк аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади: Хоразм вилояти Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилиб, «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 29 апрелдаги 89-сонидида чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган «Иноят Инвест» МЧЖга қарашли, Урганч тумани Фойбу қишлоғида жойлашган, автомобилларга сиқилган газ тарқатиш шохобчаси вақтинча аукцион савдосидан олинди. Савдодан олишга асос: Урганч тумани суд ижрочилари бўлимининг 2008 йил 13 майдаги 121-сонли хати. Мурожаат учун манзил: Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-«А» уй. Телефон: (8-3622) 264-364. www.rkmb.uz

ООО «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1» СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М. На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставленную продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров. Адрес: г.Ташкент, Чиланзар, кв.л 6, д. 2 (Ор-р — метро «М.Улугбек») Товар сертифицирован. Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

предприятие UZBARREL PRODUCTION Совместное ПЛАСТМАССА БОЧКАЛАРИ Европа стандарты. Марказий Осиёда йирик ишлаб чиқарувчилардан бири. ЧП Dadabaev X.B. Ташкент ш., Афросиёб шохкўчаси, 12. Сайт: www.uzbp.uz e-mail: uzbp@mail.ru Тел./факс: (99871) 252-56-01, 252-74-14.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР 9.00 дан 18.00 гача 236-09-25 232-10-63 242-хона E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси жамоаси қўмити раиси Абдували Абдуазизовга ораси Каримахон МИРЖАЛИЛОВнинг вафот этганини муносабати билан таъзия изҳор этади. «Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси Сурхондарё вилояти сайёҳлик ва экскурсия бюроси раҳбари Абдуғафар Бўрнєва онаси Саломат БОБОЕВAnннг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Ташкент Давлат авиация институти замонаси Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси Барно Сайидвалиєвага падари бузруквори БАХРОМ отаниннг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



**Нажмиддин МУХАММАДИНОВ — Ўзбекистон санъат арбоби:**

— Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан қорақалпоқ халқининг ҳам асрий орзулари ушалмоқда. Эркин Қутибоев, Нодира Казакова сингари жаҳон ва Осиё чемпионлари етишиб чиққан дийримида мана шундай нуфузли мусобақа — ёшлик ва спорт байрами ўтказилаётгани ҳар биримизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Ёшларимиз нафақат спортда, балки илм-фан, санъат, адабиёт ва musiқа соҳаларидаги ютуқлари билан ҳам мамлакатимизни жаҳонга танитаётгани, айниқса, қувонардир. Бугунги "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари қатнашчилари ҳам юртимиз обрў-эътиборини юксалтирадиган ёшлар сафини тўлдиришига ишонаман.

**«Баркамол авлод — 2008» шукуҳи**

**ЁШЛАРНИ ЯГОНА МАҚСАД САРИ ЧОРЛАЙДИ**

Ўрта махсус, касб-хунар таълими, лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган анъанавий «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг мамлакат босқичи низоёсига ётди. Нукус, Тахтаюв ва Хўжайли шаҳарларидаги 14 спорт иншоотида иштирокчилар ўз куч ва маҳоратини синовдан ўтказди. Оролбўйида ўтаётган ушбу ёшлик ва спорт байрамини бутун мамлакатимиз аҳли, айниқса, ёшлар катта эътибор билан кузатиб борди.



**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ — Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси:**  
— Маълумки, ота-боболаримиз фарзандларини болалигидангина курашга тушириб, от чоптириб синанганлар, чиниқтирганлар ва ана шундай мард, жасур ёшлар кези келганда халқнинг шаънини мардонавор ҳимоя қилганлар.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан келган жўшқин юракли йигит-қизларнинг, ўз фарзандларимизнинг шахди-шижоати ана шу ҳақиқатни эслатади. Уларнинг галабаси бизнинг ютуғимиздир. Албатта, ҳар қандай мусобақада кимдир зафар қучади, кимдир мағлуб бўлади. «Баркамол авлод» спорт ўйинларида ҳеч ким ютқазмайди. Чунки у ёшларни курашга, ҳалолликка чорлайди, уларда ҳамжиҳатлик, ягона мақсад йўлида олган иштирокини фазилятларини тарбиялайди.

**Гулсанам МАМАЗОИТОВА — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти:**

— Юртимизда узлуксиз тарзда ўтказиб келинаётган оммавий спорт тадбирлари, жумладан, бу йил Қорақалпоғистон Республикаси мезбонлик қилган «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари ҳам йигит-қизларнинг қомил инсонлар сифатида вояга етишида муҳим аҳамиятга эга.

Спорт ва санъат ҳар доим бир-бирини тўлдириб келган. Юртининг довуғини дунёга таратишда спортчиларнинг ҳам, санъаткорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлиши лозим. Айни пайтда ўзбек санъати усталари ўз ижоди билан хоржилик санъат илосмандларининг эътирофини қозонмоқдалар, етакчи спортчиларимиз эса нуфузли халқаро мусобақаларда юртимиз байрогини баланд кўтармоқдалар.

«Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари иштирокчиларига ўз санъатимизни намойиш этмоқдамиз. Қўшиқларимиз уларни хушнуд эта оلسа, хурсанд бўлур эдик.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Аминбой ОРТИҚБОЕВ, ЎЗА мухбирлари.**

**«Қурувчи»:**

**10 ўйинда ТА ЮТУҚ**

**Футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати олий лигасида ўнинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.**

Шуни таъкидлаш лозимки, чемпионат ўйинлари қизиқарли ва мурасиз курашларга бой бўлганлиги билан ҳам мутахассис ва мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўнинчи турдан сўнг «Қурувчи» ва «Пахтакор» жамоалари очко йиғиш борасида рақиблиридан анча илгарилар кетишди. Аммо ўнинчи турнинг учун кураш олиб борадиган жамоа номини башорат қилишга ҳали эрта. Ўчинчи-бешинчи ўринларда бораётган «Машъал», «Сўғдиёна», «Насаф» жамоалари тўплаган очколар деярли тенг.

Ўнинчи турнинг қўтилмаган натижаларидан бири Бухорода қайд этилди. Мавсум ўйинларини муваффақиятсиз ўтказётган «Бухоро» жамоаси ушбу турда медаллар учун даъвогарлик қилаётган «Насаф»ни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди. Шу кўни бухоролик футболчиларни яқинда тайинланган бош мураббий Юрий Агеев майдонга олиб тушди. Чемпионат пешқадами «Қурувчи» ўз майдонидида «Шўртан» жамоасини 7:0 ҳисобида доғда қолдирди. «Пахтакор» Зарафшонда «Қизилқум» устидан 3:0 ҳисобида зафар қучди.

Ўнинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» — «Динамо» 1:0, «Машъал» — «Локомотив» 2:1, «Навбахор» — «ЎзДонгЖу» 1:1, «Андижон» — «Нефтчи» 0:0, ОТМК — «Сўғдиёна» 3:2.

Тугурларлар баҳсида «Қурувчи» жамоаси аъзоси Сервер Желаров (7 та) биринчи ўринда бормоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

**ЖИЗЗАҲДА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА**

**Жиззахда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди.**

Унда мамлакатимиз вакилларидан ташқари, Қозоғистондан келган боксчилар ҳам рингга чиқдилар. Мусобақада энг кўп медаллар Жиззах тумани Болалар ва ўсмирлар

спорт мактаби тарбияланувчиларига насиб этди. Шунингдек, самарқандлик Фаёз Хуррамов, қорақалпоғистонлик Алишер Мадаминов, Хоразм вилоятидан Тиловид-



Ўнинчи турдан сўнг турнир жадвали қуйидагича кўриниш олган:

	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Қурувчи»	10	0	0	32-2	30
«Пахтакор»	8	2	0	21-2	26
«Машъал»	5	3	2	11-7	18
«Сўғдиёна»	5	3	2	13-9	18
«Насаф»	5	2	3	10-8	17
«Нефтчи»	4	3	3	9-9	15
«Қизилқум»	4	2	4	10-13	14
ОТМК	4	1	5	8-10	13
«Андижон»	3	3	4	6-9	12
«Динамо»	3	2	5	9-11	11
«Металлург»	3	2	5	6-11	11
«Локомотив»	2	3	5	7-10	9
«Бухоро»	2	3	5	8-12	9
«Шўртан»	2	2	6	4-23	8
«Навбахор»	1	4	5	8-13	7
«ЎзДонгЖу»	0	3	7	3-16	3

дин Қундузов ҳам ўз вази тоифалари бўйича голибликни кўлга киритишди.

**Баҳридин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**МАДАНИЯТ**

хабарлари

**«Ижодий парвоз» фестивали**

**Пойтахтимизда Марказий Осиё ёшларининг «Ижодий парвоз» учинчи халқаро кинофестивали бўлиб ўтди.**

Унда Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон давлатларидан келган ёш кинематографлар ҳамда юртимиз ижодкорлари қатнашди.

Халқаро кинофестиваль иштирокчилари Бухоро вилоятига таъширф буюриб, бу ердаги таърихий обидаларни зиёрат қилишди. Шундан сўнг ёш ижодкорлар томонидан суратта олин-

ган қатор фильмлар «Бухоро» кинотеатри ва Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлимида намойиш этилди. Хусусан, «Чақмоқ қаққан тун», «Бизда ҳаммаси яхши», «Сафура» деб номланган фильмлар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

**И. ИСТАМОВ.**

**Санъатга ошуфта кўнгиллар**

**Ҳар йили ташкил этиладиган республика «Нихол» кўрик-танлови ўнлаб истеъдод соҳибларини кашф этмоқда.**

Қуни кеча Кармана ва Зарафшон шаҳарларида танловнинг ҳудудий босқичлари ўтказилди. Унда иштирок этган ёшлар санъатнинг ракс, мумтоз кўшиқ, musiқа ва эстрада йўналишлари бўйича ўзаро баҳслашдилар. Ҳудудий босқичлар голиблари бўлган 36 нафар ижрочи ёшлар танловнинг вилоят босқичида иштирок этадиган бўлди.



**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Боболардан мерос наволар**

**Қумқўрғон тумани Маданият уйида «Бободан мерос наволар» деб номланган фестивал ўтказилди.**

Ёш бахши ва ўлан ижрочиларининг мазкур ижодий кенаси вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган.

Ун бир нафар ёш бахши иштирокида ўтган тадбирда ижро маҳорати, дoston ва терма ижрочилиги ҳамда бошқа номинациялар бўйича голиблар аниқланди. Ҳайъат аъзолари томонидан Олтинсой туманидан

Қ. Мухаммадиев, музработлик М. Холтурраев, денoвлик ёш бахши Э. Маматмуродов, Қумқўрғон туманидан М. Мусурмонов ҳамда А. Бобоқулов, қизириқлик Ч. Жумаевлар ижоди юқори баҳоланди. Иқтидорли ёшларга ташкилотчиларнинг диплом, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Ҳ. БУРҲОНОВ.**



**«Business» ва «Vip» категориясидаги тариф режалари янада арзонлашди!**

тариф режаси	мижоз тўлови	имтиёзли дақиқалар лимити (ойига)	лимитдан ташқари кириш кўнгирақлари		лимитдан ташқари чиқиш кўнгирақлари	
			Ўзбекистон бўйича	тармоқ ичида	Ўзбекистон бўйича	тармоқ ичида
Статус	18 / ойига	500	<del>0,04</del> 0,03		<del>0,04</del> 0,03	
Удачный	25 / ойига	1000	<del>0,03</del> 0,02	<del>0,02</del> 0,01	<del>0,03</del> 0,02	
Регион	35 / ойига	2000	0,02		0,02	0
Forward	300 / 6 ой учун	5000				
Перфектум	2 / кунига	5000		0,01	0,01	

Барча маълумотлар компания офисларида ва [www.cdma.uz](http://www.cdma.uz) сайтида

ISO 9001:2000

Расмий ҳамкор:



(8598) 305-1111 [www.cdma.uz](http://www.cdma.uz)

**Халқ сўзи Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Оринов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.  
Навбатчи — Д. Солиқов.  
Мусахҳух — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40  
Тошпирилди — 00.10 1 2 3 4 5 6 7